

ШАРТНОМА № 0-2/4

“Фаргона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарини етказиб бериш хизмати кўрсатиш
тўғрисида

“18” Янв 2022 йил

Фаргона шаҳар

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Фаргона ҳақиқати” “Ферганская правда” газеталари таҳририяти МЧЖ номидан низом асосида ҳаракат қилувчи бош муҳаррир М.Обидов (келгуси матнларда “таҳририят” деб номланади) бир томондан ва Қўноқ шаҳар КТБ номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Д. Аминов (келгуси матнларда “Обуначи” деб номланади) иккинчи томондан, ўртасида қуйидагилар ҳақида шартнома тузилди.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1. “Таҳририят” “Обуначи”га 2022 йил учун обуна қилаётган ва шартномада кўрсатилган “Фаргона ҳақиқати” “Ферганская правда” газеталарини манзиллар бўйича ўз вақтида етказиб бериш, “Обуначи” эса белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ва обуна қийматини тўлаб бериш мажбуриятини оладилар.

| № | Журнал номи | Обуна нусхаси (дона) | 1 нусхасининг йиллик обуна баҳоси | Умумий қиймати |
|---|---------------------|----------------------|-----------------------------------|----------------|
| 1 | “Фаргона ҳақиқати” | 46 | 420 000 | 19 320 000 |
| 2 | “Ферганская правда” | 21 | 270 000 | 5 670 000 |
| | | | | 24 990 000 |

Жами: 24 990 000 (сўз билан) тўрттаўтиз тўрттаўтиз миңтаўтиз юз тўртсон миңтаўтиз сўм.

III. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИНИ ТЎЛАШ, ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. “Обуначи” амалга оширилган обуна бўйича етказиб бериладиган газетага олдиндан 100 % миқдорда нақд пул, пластик карточка ва пул ўтказиш йўли билан тўловларни амалга оширади.
- 3.2. Обуна қилинган газета обуна қилинган муддат ичида “таҳририят” томонидан ўз вақтида етказиб берилди. Бунда транспорт харажати “таҳририят” зиммасида қолади.

IV. ТОВАР СИФАТИ

4.1. Етказиб берилётган газетанинг сифати белгиланган стандартларга мос, полиграфик нуксонларсиз “обуначи”нинг талабига мос келиши шарт.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. “Таҳририят” мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Обуначи”га “Фаргона ҳақиқати” “Ферганская правда” газеталарини етказиб бериш;
- Етказиб берилган газета сон жиҳатдан тўлиқ бўлмаган тақдирда 3 кун ичида қолган қисмини етказиб бериш.
- Етказиб бериладиган газетанинг пули тўлиқ ўтказилгандан сўнг, обуна бўлганлик тўғрисида квитанцияларни жойларга тақдим этади ҳамда таркатади.

5.2. “Обуначи”нинг мажбуриятлари:

- “Обуначи” давлат таъминотидаги ташкилот бўлган чокда шартнома имзолангач 5 кун ичида тегишли шаҳар, туман ғазначилик идорасида шартномани рўйхатдан ўтказиши шарт.

- Шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда газетани конун ҳужжатларида белгиланган тартибда сонига, сифатига қараб ўз вақтида қабул қилиб олади.
- Тегинли даражада сифатли ёки сон жиҳатдан тўлиқ бўлмаган газета келиб тушгани аниқланганидан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзиб, "Тахририят"ни огоҳлантиради.

VI. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонунининг 25-32- моддаларига асосан жавобгар бўладилар.
- 6.2. "Обуначи" амалга оширилган обуна бўйича тўловларини ўз вақтида ўтказиб бермаса, тўловининг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,4 фоиз миқдорида (пеня) жарима тўлайди. Ҳисобланган жариманинги умумий миқдори жами обуна суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фақатгина тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёгини, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шуниингдек, ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақтлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиған бошқа ҳар қандай ҳолатларга тегишлидир.
- 7.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.
- 7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиған ҳолат кун, ой узлуқенг давом этса тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинги ижросини бекор қилиши мумкин.

VIII. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Ушбу шартномани бажариши, ўзгартириши ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларининг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса Иқтисодий Суд, Ҳакамлик Суди ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ кўриб чиқиб ҳал қилинади.
- 8.2. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

IX. ТОМОНЛАРИНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

ТАХРИРИЯТ:

"Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская правда"
газеталари тахририяти МЧЖ
Манзил: Фарғона шаҳар С.Темур 28-уй
Тел: 73-226-02-70, 93-484-03-02
Х/р 20 208 000 700 216 335 001
АТБ "Ипотекабанк" Фарғона филиали
ИНН: 200 146 754
МФО: 00 544

ОБУНАЧИ:

Ўзбекистон маҳарат РТШБ
Манзили: Ўзбекистон хисси 209
Тел: 542-38-89
Х/Р: 10002286030405409916
Банк: Асамабанк
ИНН: 200314890000Х. 92310
МФО: 00631

Бош муҳаррир:



М. Обидов

Раҳбар:



(ИМЗО)